

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Якубов Хушнудбек Шериббоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси

Тел: +99890-579-97-99

E-mail: khushnudbek.yakubov@mail.ru

Аннотация: мазкур мақолада тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ўзига хос психологик хусусиятлари ва уни ривожлантириш омилларига оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч тушунчалар: психологик ёндошув, психологик қонуният, касбий яроқлилиқ, англанилган ва англанилмаган мотивлар, психодиагностика, психокоррекция, психологик маслаҳат, касбий кузатувчанлик, коммуникация, психологик рефлексия.

Аннотация: В данной статье были изложены мнения и взгляды в целях повышения специфических качеств и факторов влияющих на развития психологической особенности субъектов в психологии оперативно-розыскной деятельности

Ключевые слова: психологический подход, психологическая закономерность, профессиональная пригодность, осознанные и неосознанные мотивы, психодиагностика, психокоррекция, психологическая консультация, профессиональная наблюдательность, коммуникация, психологическая рефлексия.

Annotation: There are noticed thought-meditations about psychological peculiarities and its developing factors of operational-search activity subjects in this story.

Key words: Psychological approach, psychological legality, professional available, understandable and non understandable motivations, psychodiagnostic, psychocorrection, psychological advise, professional observation, communication, psychological reflection.

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли, шунингдек 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари ҳамда 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3413-сонли қарорлари ҳам Ватан ҳимояси, юрт осойишталиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олийжаноб, фидойи, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини қўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар органлари ходимлари, жумладан тезкор-қидирув ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислохотлар самарасига боғлиқ.

Мазкур ислохотларни ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳам амалга оширишда психологик билимларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги:

биринчидан, ички ишлар органлари тизимида профессионаллашув жараёнининг кучайиб бориши барча тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг касбий – руҳий жиҳатдан жиноятчилар дунёсига қарши доимо шай туриши зарурлиги;

иккинчидан, глобаллашув жараёнларининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсиридан руҳий зўриқишнинг олдини олувчи психологик усул ва воситаларнинг замонавий авлодларини яратиш ва улар орқали тезкор ходимларни янги вазифаларни бажаришга тайёрлаш;

учинчидан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида олган руҳий жароҳатларини бартараф этиш учун психодиагностика, психокоррекция, психологик кузатув, психологик маслаҳат тизимини шакллантириш;

тўртинчидан, экстремал шароитларда ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат жамоаларида маънавий- ахлоқий муҳитни яхшилашнинг психологик омилларини ишга солишнинг психологик методикасини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган тезкор профилактик чора-тадбирлар доирасида тезкор ходимларга мунтазам равишда психологик ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш кабилар билан белгиланади.

Президентимизнинг “Жиноят-қидирув фаолиятида жиддий нуқсонлар учрамоқда, айрим жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Қидирувда юрган аксарият шахсларнинг қўлга олинмаётгани уларга жиноий қилмишларини давом эттиришга имкон беради ва бу ғоят ташвишли ҳолдир”¹ деган фикрларида катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан, психология фани инсон фаолиятининг турли соҳаларига чуқур кириб бориши билан бир қаторда, жиноятчиликка қарши амалий кураш олиб бориш жараёнида юзага келадиган бир қатор психологик муаммоларни ечиш эҳтиёжи сабаб бўлди. Булар:

Биринчидан, жиноят шахсининг эркин ҳаракати бўлиб, унинг руҳий-иродавий ҳолати билан боғлиқ салбий ҳаракатларининг оқибатидир. Жиноятчи ва жабрланувчининг, айрим ҳолларда эса жиноий ҳодисага у ёки бу даражада алоқаси бўлган бошқа шахсларнинг руҳий муносабати ҳам муайян аҳамиятга эга.

Иккинчидан, жиноятни очиш жараёни ички ишдар органлари бўлинмаларининг ходимлари, жамоатчилик вакиллари, шу билан бирга жиноятни содир этган шахслар ва жиноят иштирокчилари ўртасида қарама-қаршилик ҳамда мураккаб зяддиятли психологик муносабатлар юзага келишига сабаб булади.

Махсус ва юридик психологияга оид адабиётларда, тезкор-қидирув фаолиятида психологик муаммоларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқиш зарурлиги тўғрисида бир қатор фикрлар айтилган.

Жумладан, рус олими А.Р. Ратинов “Маълум бир вақтдан кейин психология фанидан тезкор-қидирув фаолияти психологияси махсус соҳа фанлари каторида ажралиб чиқади ва юридик психология тизимида ўз ўрнини эгаллайди”², деб ёзган эди.

Олимлар А. И. Алексеев ва Г.К. Синиловлар эса “Тезкор-қидирув фаолияти психологияси, энг аввало, мазкур фаолиятнинг психологик хусусиятларини ўрганиши, тезкор ходим ва бошқа иштирокчилар учун зарур бўлган профессионал хусусиятларга психологик баҳо бериши, бу хусусиятларни аниқлаш ва такомиллаштириш йўл-йўриқларини белгилаши керак”³ деган фикрни билдиришган.

Албатта, бу фикр бир қатор олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан қўллаб қувватланди ва аниқ тадқиқотларда амалга оша бошлади. Яъни, тезкор-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. ТОШКЕНТ – “ЎЗБЕКИСТОН” - 2017 йил. 312 бет.

² Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М., 1976 г. Ст. – 41.

³ Алексеев А.И., Синилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. - М., 1973. - С.31-36.

қидирув фаолияти субъектларининг психологик жиҳатлари тўғрисидаги тасавурларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёни бир неча босқичларга ажратилди.

Биринчи босқичда тезкор-қидирув фаолияти психологияси фанининг асосий қоидалари, тезкор вазифаларни амалга оширишнинг психологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиб, ўзлаштирилди ва амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланилди.

Психология фани эришган ютуқлар тезкор-қидирув фаолиятининг ҳам ривожланишига ҳисса қўшди. Шу билан бирга унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, амалиётда кенг фойдаланиш учун қўйидаги масалалар:

- тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва руҳий-иродавий ҳолатини ўрганиш;

- қидирувда бўлган шахсларнинг психологик қиёфасини яратиш, тусмолларни тузиш ва уларнинг руҳий ҳолати ҳамда хатти-ҳаракатини ўрганиш;

- тезкор бўлимларга бўлажак профессионал ходимларни танлаб олишда уларнинг психик жараёнлари, шахсий ва касбий фазилатларини ўрганиш;

- тезкор ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларнинг руҳий-иродавий ҳолатларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди⁴.

Мазкур масалаларлар қуйидаги олимлар, яъни А.И. Алексеев, И.И. Басецкий, В.П. Бахин, Р.К. Безруких, В.Г. Бобров, А.С. Вандышев, А.Ф. Возный, Т.А.Хрусталева, В.Н. Гриднев, В.В. Дементьев, А.М. Качур, И.А. Климов, А.Г. Лекарь, В.Г. Самойлов, Г.К. Синиловларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Иккинчи босқичда эса, тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг қонуниятлари, тезкор ходимлар ва уларга кўмаклашувчи шахсларнинг билиш жараёнлари, индивидуал психологик хусусиятлари ва руҳий-иродавий ҳолатлари ўрганилган бўлиб, бу кенг маънодаги ҳуқуқий, ташкилий ва услубий масалаларга бағишланган (В.А.Данилов, Л.М. Колодкин, А.Н. Роша, Н.З.Филимонов, Ю.Е. Скалин ва бошқ.).

Учинчи босқичда эса тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг умумий назарияси элементларини яратиш жараёнига бағишланган. Бунда тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг предмети, тадқиқот усуллари ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Тезкор-қидирув фаолиятининг психологик тузилиши, мулоқот олиб боришнинг услубий томонлари илмий асосда (В.В. Аврамцев, Ю.Е. Аврутин, В.М. Атмажитов, И.И. Басецкий, В.Г. Бобров, В.Т. Вербовой, С.И. Винокуров, А.В. Губин, В.А. Данилов, С.В. Игнатов, В.А. Ильичев, И.А. Климов, А.С. Коноплев, О.Г. Ковалев, А.П. Ковачев, В.В. Лисицын, В.А. Лукашов, И.В. Михалева, Е.А. Пономарева, Е.Г. Самовичев, В.И.

⁴ Душанов Р.Х. Тезкор-қидирув фаолияти психологияси. Дарслик. Тошкент. ИИВ Академияси. 2015. 27 б.

Филиппенко, М.И. Цыганенко, В.В. Шувалов, Т.А.Хрусталева, Г.К.Синилов, А.К.Семенов ва бошқ.) ўрганилган.

Бугунги кунга келиб, мазкур фаолият бўйича психологик ёндошувлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда. Булар:

- ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти бўлимларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш;

- тезкор-қидирув фаолияти услублари асосида, тезкор ходимларнинг иш жараёнини бошқаришини ташкил қилиш мақсадида, илм-фан ютуқларига мос келадиган асосий психологик қоидаларни тадқиқ этиш;

- тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиладиган куч ва воситаларининг психологик жиҳатларини комплекс ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда кўп учрайдиган вазиятларда мазкур усул ва воситаларни қўллашни ҳисобга олиш;

- жинойатчиликка қарши кураш олиб боришда, алоҳида тезкор хизматлар йўналишларининг услубларини яратиш ва қўллашни ташкил қилишнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;

- тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг руҳий-идоравий ҳолатлари ва ташқи ҳамкорликнинг психологик компонентларини тадқиқ этиш.

Албатта, ушбу йўналишлар тезкор - қидирув фаолияти психологияси предметининг каттагина қисмини ёритади.

Бизнинг фикримизча, тезкор-қидирув фаолияти психологияси - бу ушбу соҳа субъектларининг психологик қонуниятлари ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш механизмлари ҳамда усулларини ўрганади.

Чунки, ҳар бир шахс қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, билишнинг энг мураккаб объекти бўлиб, у доимо ривожланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлади ва шу асосда шахсий, касбий жиҳатдан шаклланиб боради. Шу билан бирга, шахс ўзи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди, яъни хулқи, хатти-ҳаракатлари моҳиятини ҳамма вақт ҳам англаб етавермаслигини кузатиш мумкин. Шахснинг хулқи, руҳиятига таъсир этувчи кучлар, психологик омиллар шу қадар хилма-хилки, уларнинг ҳаммасини ўрганиб ҳам у ёки бу инсон ҳақида батафсил маълумотга бўлиш ёхуд унга тўлиқ тавсиф беришнинг имконияти йўқ. Бундай омиллар қатори (англанган ва англамаган мотивлар, майллар ва бошқ.)да шахснинг ўзи ҳам англаб етавермайдиган, лекин унинг руҳияти, хулқининг намоён бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга онг ости жараёнлари таъсирини инобатга оладиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолияти психологияси фани доирасида ўрганилувчи шахс психикасининг нақадар мураккаб эканлигини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Шу маънода, тезкор ходимнинг изланиши, ижодкорлиги, унинг билими, кўникмаси, малакаси, йўналганлиги ва ҳаётий тажрибаси билан мустаҳкамланиб борилиши унинг малакали мутахассис сифатида камол топишини

таъминлайди. Тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг асосий вазифаси шу ижодкорликнинг муҳим омилларини илмий тадқиқ қилиш, қидириб топиш, аниқлаш ва уларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг самарали усулларини аниқлашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув фаолиятида психологик билимларнинг зарурати қуйидаги масалаларни ёритишда намоён бўлади, жумладан:

– тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ва жамоаларининг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва имкониятларини тадқиқ қилиш;

– жабрланувчи, айбланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва бошқа шахсларнинг онги, руҳияти, онглилик ва онгсизлик ҳолатларини ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг махсус вазифаларни бажаришга яроқлилигининг психологик моҳиятини очиқ бериш;

– тезкор-қидирув фаолиятининг психологик тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

– тезкор-қидирув фаолиятига оид муҳим маълумотларни олиш мақсадида турли тоифадаги шахслар билан ишончли психологик алоқа ўрнатиш ҳамда психологик таъсир кўрсатиш усулларини яратиш;

– мазкур фаолиятга оид муаммоларни объектив, илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва бартараф этиш усулларини тавсия этиш;

– турли тоифадаги шахслар билан ишончли алоқа ўрнатиш усуллари ва ривожланишининг психологик қонуниятларини ишлаб чиқиш;

– жинойтчи шахсининг тузилиши, унинг фаолияти ва фаоллигини ўрганиш орқали олинган назарий ва амалий хулосаларни яратиш;

– тезкор-қидирув фаолиятида намоён бўладиган психик ҳодисаларнинг психологик қонуниятларини ўрганиш.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ИИВ Академиясида “Тезкор-қидирув фаолияти” йўналишида таълим олаётган курсантларга “Тезкор қидирув психологияси” фани ўқитилмоқда, бу эса ўз вақтида, бугунги замон талабларига мос тезкор ходимларни тайёрлаш имконини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси. Т., 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси. Т., 2016.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент – “Ўзбекистон” - 2017 йил. 312 бет.

4. Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М.,1976 г. Ст. – 41.
5. Алексеев А.И., Синилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. - М., 1973. - С.31-36.
6. Решетников М.М. Профессиональный психологический отбор: развитие проблем и основные понятия // Сборник докладов 1 научно-практической конференции врачей психофизиологов ВМФ. - Москва: Воениздат, 2005.
7. Скалин Ю.Е. Профессиональный психологический отбор оперативных сотрудников уголовного розыска. // Автореф... дис. к... психол...н. – Санкт-петербург. 2010.
8. Скворцова Е.В. Психолого-педагогическая реабилитация сотрудников милиции в ситуации профессиональной деформации личности. Автореф... дис.к... психол...н. - Москва, 2007.
9. Хрусталева Т.А. Психологические особенности формирования личности оперативного работника уголовного розыска. Автореф... дис.к... психол...н. - Москва, 2009.
10. Душанов Р.Х. Тезкор-қидирув фаолияти психологияси. Дарслик. Тошкент. ИИВ Академияси. 2015.